

Парда Норбўтаев
тарих фанлари номзоди

ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИ ДОСТОНЧИЛИК АНЪАНАЛАРИ ШАКЛЛАНГАН ҲУДУДЛАР АҲОЛИСИНИНГ ЭТНИК ТАРКИБИ

Жанубий Ўзбекистонда достончилик анъаналари, асосан қир-адир ва яйловларда дехқончилик ҳамда чорвачилик билан машғул бўлган Чироқчи, Қамаши, Косон, Миришкор, Касби, Дехқонобод, Ғузор, Шеробод, Бойсун, Ангор ва Жарқўрғон туманлари ҳудудларидағи аҳоли орасида сақланиб қолган¹. Хусусан, Қашқадарё воҳасида Чироқчи ва Қамай достончилик мактаблари мавжуд².

Қашқадарё воҳаси аҳолисининг (Чироқчи, Қамаши, Дехқонобод ҳудудлари) аксарият кўпчилиги XV–XVII асрларда чорвадорлар бўлиб, ярим ўтроқ ва ярим кўчманчиликда ҳаёт кечирган. Чорвадор аҳоли асосан, ўтовларда, капаларда кун кечирган, уларнинг доимий яшайдиган уйлари ва қишлоқлари ҳам бўлмаган. Шунинг учун ҳам араб географлари ва сайёҳлари бу турдаги аҳолини ҳисобга олмасдан, эътиборларини турғун яшовчи аҳолига қаратгандар ва уларнинг қишлоқ ва шаҳарларини қайд қилганлар, холос. Биз мазкур ҳолатдан келиб чиқиб, воҳада чорвадор аҳоли яшаётган (маълумки, достончилик анъаналари асосан, чорвадор аҳоли яшаётган ҳудудларида вужудга келган) ҳудудлар аҳолисининг этник таркиби масалаларига эътибор берамиз.

Масаланинг муҳим томонларидан бири Жанубий Ўзбекистонда яшовчи аҳоли этник таркибининг хилма-хиллиги ва бу ўзига хосликнинг достончилик мактабларига таъсиридир³. Қашқадарё воҳасида мавжуд бўлган Чироқчи достончилик мактаби вужудга келган ҳудудларда ўзбек халқининг сарой ва қутчи субэтник гуруҳига мансуб аҳоли кўпчиликни ташкил этади⁴. Сарой уруғлари бошқа ўзбек қавмлари билан бирга Даҳти Қипчоқдан келиб, ҳозирги Чироқчи туманининг ғарбий қисмида тоғ ён-бағирларида жойлашган Тақай қилди, Сариқамиш, Лолабулоқ, Чуввулок, Шўрқудуқ, Сарсон, Умақай қишлоқларида яшаган.

Чироқчи тумани ҳудудларида XX асрнинг бошларида 5856 та дан ортиқ саройлар яшаган⁵. Чироқчи саройлари ҳақида XX аср бошларигача яшаган муаллифлар ҳам муҳим маълумотларни ёзиб қолдиришган. Хусусан, И.Х.Хаников саройлар ҳақида гапириб, улар Самарқанд ва Қарши йўли атрофларида кўчиб юриб яшаганлар,⁶ деб ёзади. Н.А.Аристов эса саройлар Кўшҳовуз қишлоғининг ғарбий қисмидан то Хончарбоққача бўлган ҳудудларда жойлашганлигини қайд қиласиди⁷.

Саройларнинг Чироқчи туманига келиб жойлашиши тўғрисида А.Гребенкин, кейинчалик И.Яворский маълумот бериб, саройлар биринчи марта Балхга ўрнашган, кейин шимолга қараб силжиб Ғузор яқинидаги чўлларга, Қарши билан Жом ўртасидаги жойларда ўрнашишганлигини қайд этадилар⁸. Бу маълумотларга кўра саройлар Чироқчи ҳудудларига анча қадимдан ўтроклашган деган холосага келиш мумкин. Бу маълумотлар муаллиф томонидан йиғилган дала-этнографик материалларга ҳам мос келади. Чунки саройларнинг асосий қисми ҳозирги Қамаши ва Чироқчи туманларининг жанубий-ғарбий қисмida жойлашган бўлиб, улар яшайдиган ҳудуд чегараси то Жом чўлларигача боради.

Чироқчи саройлари ўтов (қорауй)ларда яшаганлар, XIX асрнинг охирларида эса улар пахсали уйлар қуришни ўрганишган бўлиб, камбағал табақаларнинг кўпчилигига ертўлалар⁹ урф бўлган. Бундай ертўлаларнинг қолдиқлари кейинги вақтларгача сақланиб қолган бўлиб, улар чорва учун фойдаланилган.

Чироқчи тумани саройларини ўзбекларнинг бошқа уруғи таркибида ҳам учрайди. Масалан, абақли шохобчаси қипчоқ сарой уруғининг бир кичик бўлимида. Қўнғиротларнинг қўштамғали,¹⁰ қўнғиротларнинг тортувли уруғида ва кенагасларда ҳам абақли этнонимини учрайди¹¹.

Қипчоқ саройларнинг бир бўлаги бўлиб келган, қанжигали уругини ҳам қўнғирот қабиласининг бир бўлими тариқасида учрайди¹². Чироқчи туманидаги сарой қипчоқларининг бир бўлими «чоркўса» деб юритилган. Самарқанд атрофидаги манғит уруғи таркибида ҳам кўса бўлими мавжудлиги

қайд этилган. Кўнғиротларнинг вахтамғали уруғида эса саройларнинг кичик бўлими бўлган санчиқни уруғини учратиш мумкин¹³.

Чироқчи тумани саройлари қиз чиқаришда катта қалин олганлар, бошқа қабила ёки уруғ аъзоси бўлган йигитга қиз бермаганлар, ҳаттоки, улар талабгор сарой уруғига мансуб бўлгани билан ўзига уруғдош бўлмаса қиз бермаган¹⁴. Саройларда қалин ўрнида пул бериш ҳоллари кам учраган, қизнинг қалинига кўпроқ мол беришга ҳаракат қилганлар.

Кексаларнинг айтишларига қараганда, берилган қалиннинг деярли 90% қиз билан бирга йигитнинг уйига қайтарилган. Қалин микдори оиланинг моддий имкониятига қараб белгиланган¹⁵.

Чироқчи туманида сарой уруғларидан ташқари қутчи уруғи вакиллари ҳам истиқомат қилишган. Чироқчи туманининг ғарбий қисмida жойлашган-Тоқчи, Қозоёқли, Тўқмар, Чувуллоқ, Оқ тўнни, Семиз, Галақудуқ ва Қутчи бошқа қишлоқларда 310 хўжалик қутчи уруғлари жойлашган. Масалан, Чироқчи туманида олиб борилган дала тадқиқотларидан маълум бўлишича, Чироқчи достончилик мактабининг машҳур вакилларидан бири Азим бахши ўзбек ҳалқининг қутчи уруғига мансуб бўлганлигини тасдиқлайди¹⁶. Юқоридаги фикрлар тасдиғи сифатида таъкидлаш мумкинки, Чироқчи достончилик анъаналарини бошлаб берган Ражаб бахши, Тўра шоир Чироқчи тумани Қутчи қишлоғилик бўлса, достон айтувчи бахши-шоирлар сулоласидан бўлган Ёдгорбой Қозоёқли қишлоғилик бахшидир¹⁷.

Қамайликлар XVII асрнинг охири - XVIII асрнинг бошларида ҳозирги Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманидан кўчиб келишган ва улар ҳамон шу воҳа аҳолиси билан қариндошлиқ алоқаларини узишмаган¹⁸. Демак, тарихан Шеробод бахшичилик анъаналарига бориб тақалувчи бу достончилик мактаби XVIII-XIX асрларда Қамаши туманининг Қамай қишлоғи¹⁹ ҳудудларида шаклланган бўлиб, то ҳозирги давргача ўз ижодий анъаналарини давом эттириб келмоқда²⁰.

Қамай фуқаролар йиғинига қарашли 12 та қишлоқ ҳудуди ғарбдан Қамаши туманига қарашли Чим, жанубдан Манғит, шимолдан Тўқбой,

шарқдан Ертепа қишлоқлари билан чегарадошдир²¹. Қамай достончилик мактаби Қамаши, Дехқонобод ва Ғузор туманига туташ ҳудудда етишиб чиқсан бахшилардан ташкил топган²².

Қамай достончилик мактаби вужудга келган ҳудудларда яшовчи аҳолининг этник таркибида қўнғирот субэтник гурухи муҳим ўрин тутади. Бу ҳолатни Қамай достончилик мактабига мансуб бахшиларнинг асосий қисмини қўнғирот субэтник гурухи уруғи вакиллари ташкил этиши тўғрисида маълумотлар ҳам тасдиқлайди. Жумладан, Хидир шоир Қамаши туманидаги Қизилгул²³ қишлоғилик бўлиб, аслида Шеробод достончилик мактабининг вакили ҳисобланган бу бахши ўзбекларнинг қўнғирот уруғидандир²⁴. Шунинг учун ҳам Қамай достончилари дўмбира ҳақида гап кетганда «Дўмбира дўрмондан дўниб ўтган, Қўнғиротга қўниб ўтган», деб нақл қиласидар.

Қамаши туманида яшовчи қўнғиротлар анча катта субэтник гурухларни ташкил этади. Дала–этнографик изланишлар натижасида XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида Қамаши туманининг жанубий-ғарбий ва жанубий-шарқий томонида қўнғирот уруғининг авлодлари илгаридан яшаб келганлигини аниқлашга эришдик. Хусусан, Оқбузор, Мирзапўчоқ, Қизилкўл, Карвон, Қора Кўтон, Саржугажили, Бесоқол Эшмат, Учтут, Ўлмас, Чойгул, Бешбулоқ, Чубин, Ингичка, Оқмачит, Қизилтуғай, Катта қишлоқ, Кўтиргул, Кўрқамиш, Дархон, Калувдор, Чуқурли ва бошқа қишлоқларда 1000 хўжаликка яқин қўнғиротлар яшаган²⁵.

Бу қишлоқларнинг аҳолиси ўзларини 600 уйли қўнғирот уруғининг бугажили аймоғидан деб юритганлар. Бу ерда яшовчи қўнғиротлар ўзларини «қамайлик» деб билишади. Қамашидан 15-20 чақирим ғарбда жойлашган Қамай фуқаролар йиғини ўн икки қишлоқдан иборат бўлиб, унда, асосан, минг хонадон яшаган. Қишлоқ аҳолиси асосан, қўнғирот уруғининг бугажили аймоғидан бўлган. Аждодлари Бойсун ва Шеробод воҳаси ҳудудларидан кўчиб келиб, шу ерда чорвачилик ва дехқончилик билан шуғулланиб ўтроқлашган бугажили уруғига мансуб кишилар чорвачилик,

дехқончилик, тирандозлик билан машхур бўлишган. Этнологик маълумотларга қараганда, бугажили аймоғи қўнғирот қабиласининг вахтамғали уруғи таркибига киради²⁶. Вахтамғали қўнғиротлар Шеробод воҳаси, Амударёning Термиз яқинидаги соҳили, Сурхондарёсининг қуи оқимлари ва Қоратоғ дарёси ҳавзаларида яшашган.

Қамаши туман қўнғиротлари ўзларини «олтмиш олти ота қўнғирот» деб таърифлайдилар. Бу туманга бир вақтлар 20 хўжалик кўчиб келган бўлиб, қўштамғали уруғидан кўпайган майда бўлимлар Қамаши туманининг Кўкбулоқ жамоа хўжалигига қарашли бўлган худудларда яшаганлар. Қамаши қўнғиротлари, бармоқ, қорақасмоқ, замбури уруғидан ташкил топган бўлиб, улар ҳам ўз навбатида кал, бешкалтак, калла, мос, калла бўз, жуз, ит тери, зийжак сингари бўлимчаларга бўлинган. Улар ўзларини ҳозирги Бойсун тоғида жойлашган Чашмаи Ҳозирдан келиб қолганмиз деб ҳисоблайдилар²⁷.

Этнологик маълумотларнинг тасдиқлашича, Сурхондарё вилоятининг Шеробод тумани худудида асосан, ўзбек халқининг қўнғирот субэтник гуруҳига мансуб бўлган аҳоли яшаган. Бу субэтник гуруҳнинг XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошларида табиий шароит туфайли Қашқадарё воҳасидаги Қамай қишлоғи худудларига кўчиб келиб ўрнашиш натижасида ўзбек халқининг қўнғирот уруғига мансуб баҳшилардан иборат Қамай достончилик мактаби шаклланган.

Хулоса қиласизки, Қашқадарё воҳаси достончилик анъаналари XVIII асрнинг охирлари ва XIX асрнинг иккинчи ярмида Чироқчи ва Қамаши туманларнинг чорвадор, қисман, дехқон ҳамда хунарманд аҳоли яшаган худудларида шаклланган. Чироқчи достончилик мактаби шаклланган жойларда сарой ва қутчи этник гуруҳларига мансуб аҳоли қўпчиликни ташкил этса, Қамай достончилик мактаби вужудга келган худудларда асосан, қўнғирот уруглари яшаганлиги аниқланди.

-
- ¹ Қаххоров А. Янги достонлар. (Қашқадарё ва Сурхондарё халқ бахшилари репертуарлари асосида). – Т.: «Фан», 1985. – Б. 5.
- ² Муродов М., Эргашев А. «Алпомишнома». - Т.: «Мехнат», 2000. - Б. 17.
- ³ Хаников И.Х. Описание Бухарского ханства. - СПб, 1849. – С. 64; Аристов Н.А. Заметки об этническом составе тюркских народностей и племен // «Живая старина». Вып. III и IX, СПб., 1896. – С. 423; Гребенкин А. Узбеки. // «Русский Туркестан». Вып. II. М., 1872. - С. 89; Яворский И.Л. Путешествие русского посольства по Афганистану Бухарскому ханству в 1878-79, т. II., - СПб., 1883. - С. 34; Кармышева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана - Т.: «Наука», 1976. - С. 90; Магидович И. Материалы по районированию Средней Азии» кн. 1. «Территория и население Бухары и Хорезма, ч. 1. Бухара. ч. II Хорезм. – Т.; 1926. - С. 189; Жданко Т.А. Очерки исторической этнографии каракалпаков. - М.-Л., 1950. - С.121; Мошкова В.Г. Некоторые общие элементы в родоплеменном составе узбеков, каракалпаков и туркмен // в Труды Института истории и археологии. Т. II. - Т.; 1950. - С. 156; Наджимов К. Антропологический состав населения Сурхандарьинской области - Т.: «Издательство САГУ», 1958. - С. 77;
- ⁴ Кармышева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана -Т.: «Наука», 1976. - С. 90;
- ⁵ Материалы по районированию Средней Азии, кн. I. – Т.; 1926. - С. 266.
- ⁶ Хаников И.Х. Описание Бухарского ханства. - СПб, 1849. – С. 64.
- ⁷ Аристов Н.А. Заметки об этническом составе тюркских народностей и племен // «Живая старина», вып. III и IX, СПб., 1896. – С. 423.
- ⁸ Гребенкин А. Узбеки. // «Русский Туркестан». Вып. II. М., 1872. - С. 89; Яворский И.Л. Путешествие русского посольства по Афганистану Бухарскому ханству в 1878-79, т. II. – СПб., 1883. - С. 34.
- ⁹ Ертўла-кўпинча ярим ўтрок аҳоли аҳолининг чорвачилик билан шугулланиб келган хўжаликларида кенг тарқалиб, текис ердан ёки баландлик нишабдан қазиб тайёрланган.
- ¹⁰ Ситняковский Н.Ф. К генеалогический таблице узбекского рода кунград // «Изв. Турк», 1907. - С. 22-29.
- ¹¹ Яворский И.Л. Путешествие русского посольства по Афганистану Бухарскому ханству в 1878-79. Т. II. - СПб, 1883. – С. 39.
- ¹² Гребенкин А. Узбеки. – СПб., «Русский Туркестан». Вып, II. - М., 1872. – С. 85-87.
- ¹³ Ситняковский Н.Ф. К генеалогический таблице узбекского рода кунград // «Изв. Турк», 1907. - С. 22-29.
- ¹⁴ Дала ёзувлари. Чироқчи тумани. 2007 йил 1-9 март.
- ¹⁵ Дала ёзувлари. Чироқчи тумани. 2007 йил 1-9 март.
- ¹⁶ Дала ёзувлари. Ахборотчи: Махманов Ўрол. Чироқчи тумани, Қозоқ қишлоғи. 2007 йил 1-3 март
- ¹⁷ Муродов М., Эргашев А. «Алпомишнома» Т. II.- Т.: «Мехнат», 2000. – Б. 48.
- ¹⁸ Дала ёзувлари. Қамаши туман. 2005 йил 15 июн
- ¹⁹ Қамаши туманида жойлашган Қамай фуқаролар йигини таркибида 12 та қишлоқ мавжуд бўлиб, Оқғўзар, Чорвадор, Мирзадала, Пахтаобод, Эшмат, Ўлмас, Олмазор, Карвон, Қизилгул, Қизилтут, Учтут, Корқўтон шулар жумласидандир. (Дала ёзувлари. Қамай фуқаролар йигини, Пахтаобод қишлоғи, Чориев Баҳриддин. 2008 йил 2-4 январь)
- ²⁰ Муродов М. Сарчашмадан томчилар – Т., 1984. - Б. 82.
- ²¹ Дала ёзувлари. Қамай фуқаролар йигини, Пахтаобод қишлоғи (Чориев Баҳриддин. 2008 йил, 2-4 январь)
- ²² Муродов М. Сарчашмадан томчилар – Т., 1984. - Б. 82.
- ²³ Маълумки, Қизилгул қишлоғи Қамай фуқаролар йигинига қарашли 12 та қишлоқдан биридир.
- ²⁴ Қаххоров А. Янги достонлар: (Қашқадарё ва Сурхондарё халқ бахшилари репертуарлари асосида). – Т.: «Фан», 1985. – Б. 12.
- ²⁵ Дала ёзувлари. Қамаши тумани, 2007 йил, 10-15 март.
- ²⁶ Бугажили аймоғи кўнғирот этносининг қўштамғали уруғи («Алпомиш» достонидаги Алпомиш ва Барчин ҳам мазкур уруғга мансуб бўлиб, бу масалага кейинчалик батафсилроқ тўхтalamиз) таркибига киради (Кармышева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. - М.: «Наука», 1976. – С. 90).
- ²⁷ Дала ёзувлари. Қамаши тумани, 2007 йил, 10-15 март

РЕЗЮМЕ

Парда НОРБУТАЕВ

ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИ ДОСТОНЧИЛИК АНЪАНАЛАРИ ШАКЛЛАНГАН ҲУДУДЛАР АҲОЛИСИНИНГ ЭТНИК ТАРКИБИ

Мазкур мақолада Қашқадарё воҳаси достончилик анъаналари шаклланган ҳудудлар аҳолисининг этник таркиби масалалари таҳлил этилган.

РЕЗЮМЕ

Парда НОРБУТАЕВ

ЭТНИЧЕСКИЙ СОСТАВ НАСЕЛЕНИЯ ТЕРРИТОРИЙ, ГДЕ СФОРМИРОВАНЫ ТРАДИЦИИ СКАЗИТЕЛЕЙ КАШКАДАРЬИНСКОГО ОАЗИСА.

В данной статье освещаются этнический состав населения территорий, где сформированы традиции сказителей Кашкадарьинского оазиса

SUMMARY

Parda NORBUTAEV

THE ETHNIC STRUCTURE OF THE POPULATION OF THE KASHKADARYA OASIS AREAS WHERE TRADITIONS OF FOLK DASTANS APPEARED.

In this article it is analized the ethic structure of the population of the Kashkadarya oasis areas where traditions of folk dastans appeared.

Таянч сўзлар: этнос, фольклор, эпос, бахши, этник компонент, қўнғирот.

Ключевые слова: этнос, фольклор, эпос, бахши, этнический компонент, кунграт.

Key words: ethnus, folklore, the epos, bakhshi, an ethnic component, a Kungrat.